



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mc.s.uz 2013 yil 1 sentyabr • №35 (4226)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТANAЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма икки йиллигини банд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртодошларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз, аввало, ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлгимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарама бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодийтимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолиимизнинг фаровонлигини, халқро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва барқамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютук ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодийтимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, **биз кеча ким эдик бугун ким бўлдик?**

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланган қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳоли қандай аянчи ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйламанки, ҳали-бери кўпчилик юртодошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга гурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқро кузатувчиларнинг ҳавасини тортоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютук ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида аққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг янги ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 қарра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келаётган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодийтимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилғи-энергетика, галла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланган,

оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда "ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқдор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютук ва марраларнинг асосий омилли ҳақида гапирганда, ҳеч иккланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқимиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққиқ топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадини ўз олдимизга қўйдик ва **бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.**

Хурматли юртодошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилиқ ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, қузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу давватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқро ташкилотларнинг вакилларига, барча хурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилақларимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сихат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат берайсиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда доимо баланд бўлиб, ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнатқаш ва бағрикенг халқимизга бекиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, сунъимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва барқамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навкирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-гайратга тўлган қақди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта гурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо банд кўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Суратда: Мустақиллик байрамидан лавҳа. Сарвар УРМООНОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган баарам тантанаси бўлиб ўтди.

Мустақиллик тўхфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуг, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамонга безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафақ, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Кўчаларни тўлдирган одамлар чироқлар нуридан

шуълаланаётган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, ишлаб чиқариш илгорлари, тadbиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари таширф буюрган.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЯНА САМАРҚАНДА КЎРИШГУНЧА, ХАЙР!



**Самарқана шаҳрида "Шарқ тарақлари"
тўққизинчи халқро мусиқа фестивали якунланди**

Қарийб бир ҳафта давомида кўҳна ва ҳамиша навкирон Самарқанд мусиқа байрами шуқуҳи билан яшайди. Шаҳардаги Регистон майдони, "Мўъжиза" ва "Нихол" амфитеатрлари, "Ёшлик" истироҳат боғи, Самарқанд, Оқдарё, Пастдарғом ва Жомбой туманларида 52 мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар ўз истеъдодини

намоиш этди. Турли тилларда Ватан, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи кўшиқлар янгради.

Меҳмонлар шаҳардаги музейлар, хунармандчилик марказлари ва меҳмонхоналарда фестивал тарихига оид суратлар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ва қолғу асбоблари

кўргазмаларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Давоми бешинчи саҳифада.

Хушбўқ МАРДОНАҚУЛОВ, Ўзбекистон халқ бахшиси

СУМБУЛСОЗНИНГ ТОРЛАРИДА КУЙЛАРИМ



Дип узҳора

Мустақиллик ана шундай бир нур олиб келди юртимизга. Мен тўққиз-ўн ёшимда дўмбирага меҳр қўйдим, кечада ойнинг булут оралаб юрганини кўрдим, кундузда баҳорнинг Ҳасан-Хусани (камалак) ёй тортиганини кўрдим.

Ана шунда кўнглимдан бир куй келгандай бўлди. Шу куйларни дўмбирага солдим, "Менинг қўлим эмас, отамнинг қўли" деб шу эғизак торга юрагим оқиб келгунча дўмбирани чертавердим. Бори шу!

Қирғий деган қуш ўтирар қояда,
Душманларнинг бўлсин доим пиёда,
Давлатларнинг бўлиб яна зибла,
Дўмбиранин кўлга олган дамларим,
Мустақиллик олиб келган куйларим.

Ой туган шуълалар урар юзима,
Дунё ёруғ кўрнимда кўзимга,
Юрак тўлди, сўзлар келди бўғзимга
Сумбулсознинг торларида куйларим,
Мустақиллик олиб келган куйларим...

Бу дунёда бир кулган ёмон, бир куйган ёмон, деган гаплар бор. Шу гапларни айтган боболарнинг армонлари бугун ушалди. "Ўзбекистон халқ бахшиси" деган шарафини халқнинг мулки бўлган дostonларга, чечан бахшларга берилган унвон деб биламан.

Йўлга чиққан катта қарвонда одамларимизнинг кўнглини кўтариб, яхшиликлар соғиниб юриш биздай бахшиларга ҳам насиб қилаверсин!

Худонинг даргоҳи кенг экан, халқимизнинг пешонасига ҳам кун теғди. Қоронғу уйга кун кириб келгандай бўлди.

Шодмонқул САЛОМ ёзиб олди.

Ўтган аср чин ҳаётини тиклаш зарурияти туғилганда, ўша аср чин адабиётга эҳтиёж сезамиз. Зеро, бу аср жуда мураккаб ва қалтис жараёнларни бошидан кечирди, талай-талай қаламкашнинг юрагига кишан, өзига кулф солди. Ўша оғир кунларда яшаб ҳам, ҳар қалай бой берилар ва чекланишлар билан ҳам доврўқ таратган, истъодод кучи билан эзулик ёнида турган, дардларга малҳам босган овозлар учрайди. Улар ёниб, ҳамдард бўлиб, ўзида яшашга имкон топди. Зулфияхоним шеърини шундай мартабага ета олган, дея таскин билан айта оламиз.

Зулфияхонимнинг эрта баҳор эпкинидай бегубор илк шеърлари умид ва ҳавас уйғотди. "Ҳижрон кунларида" туркуми билан бошланган дардди муҳаббат лирикиси эса кўнгилларни бутунотасига ишғол этди, уни шоирларимизнинг биринчи қаторига олиб чиқди. Бу тасодиф эмас эди. Зулфия умр йўлида мардона туриб, довлардан-доволарга ошиқди, одамийликнинг энг муҳим бурчлари ва вазифаларидан сўзлади. Алалхусус, қирқинчи йиллар охири ва эллигинчи йиллар бошидан бошлаб, ана шу миссия — ўзбек қизи, ўзбек шоирасининг овози фақат советлар юртида эмас, балки китталар оша янгради. Зулфиянинг ўзбек шеъринида унутилмас саҳифалар бўлиб қолган бир талай гўзал ва ёниқ шеърлари бор. "Ўғлим, сира бўлмайди уруш", "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Қатра", "Дарахт", "Булут ўйини", "Ўзимга", "Мен ўтган умримга ачинмай кўйдим..." каби ўнлаб шеърлари ва "Мушоира" достони шулар жумласидан. Улар турли тилларга таржима бўлди. Зулфияхоним янғроқ ва жонқур овози билан замоннинг табаррук ва жасур онаси сифатида танилди, тинчлик ва дўстлик ишига улғу ва фахрли ҳиссасини қўшди. Юртимизнинг асл низоми ташкилланган ва камситилган замонда ўзбегимнинг бир қизи азиз сўзи билан дунё эътирофига сазовор бўлгани, рости, мўъжизанинг ўзи эди. Зулфияхонимнинг по-киза шаҳси буюк момоларимизнинг энг улғу фазилатларини ўзида жамлаб, садоқат ва вафо тимсолига айлангани миллат обрўи-га обрў қўшди, унинг нури ва покдоним сиймосини дунёга кўрсатиб, миллий кадримизнинг гўзал бир намоиши бўлди. Ва албатта, шу жонисор фазилатлари билан истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ Ватан қорига яради, мустақиллик гоёсини яратишда ибрат ва кўзгу бўлди.

хавосини симириб, озми-кўпми миллий қадриятлар нималигини билганидандир. Начорак, шоира улар тақикланган тузумда навқирон умрини кечирди. Саодати — бир умр эзуликни байроқ қилиб, ҳаёти шомида истиқлолга етгани, изҳорга ҳам, икромга ҳам, жарчилик ва англовага ҳам шошилгани бўлди. Ноннинг ҳақиқий таъминчи оқ қолган билди, деб марҳамат қилади Жалолоддин Румий. Зулфияхоним ҳам етмиш йил истиқлолга зориққан, қирқинчи зилолга ташна эди.

Кун тойиб, шуълалар кўчга уфққа, Сайроқ қўшларнинг тинганда бағзи. Онам дилимизни чорлаб қўшиққа, Ним-ним соҳар эди мутозлар назми.

Сўфи Оллоёрми, девона Машраб Байларини ўйиб қўла оларди. Юмиши, ўйини — барини ташлаб Сехри оламга кириб борардик. Бу уч тўкин тўртлик икки жиҳатнинг илдинини очди. Зулфияхоним отининг қизи, демак унинг қўлига қалам олиши ўз-ўзидан эмас, суяк сурган фазилат. Қолаверса, ижодкорнинг тенгсиз бир ҳодисага айланиши, унинг маънавий мактаблари, устозлари қимлигига ҳам боғлиқ. Ана шу устозлар даҳоси қанча кучли бўлса, азим дарёлардан тўйингани қадар истъодод яшнади. Маълум бўлмоқдаки — у "Гулғананга оғуқ ўрик" отини онаси орқали, адабиётимизнинг буюк авлиё сиймослари Сўфи Оллоёр, Машрабдек зотлар ҳикматлари мағзини дилига го қилиб, йўлига шуъла этган. "Болаликда олинган

солинган даҳшатлар ҳаёлида, жудолик дардини ҳеч қимга айтолмай қуйиб ўтдилар. Бор ҳақиқатдан беҳабар омма эса миллатнинг асл, беғуноҳ фарзандлари шахсига шубҳа ва гумон билан қаради. Сизини-ла қора туз одилармикин, Қўлингизга қишан солдилармикин, Юқинини, ялинчмас — гурурни кўриб, Ваҳшини газабларда ёдилармикин?! Йиғи чинакам истъодод бўғзидан қўшиқ бўлиб, гиря бўлиб отилади, дардини истъодод қўшиқ қилиб туғади. Юқоридоги каби қуйма мисраларнинг самимиети ва мардонлиги шеърхонни мутаассир қилади, теранлиги билан ҳар юракда акс-садо беради. **Ака, жоним акам — жондошим акам, Олтимин йил изинга қайтмай йилгайин, Бўғзимда тош бўлган йўқдовларинини "Оқ"ларим эритар — айтаб йилгайин.** Худди шундай ота сиймосига чизилган чизилар ҳам миллий, ҳам шахсий матонат сийратидан аломатларки, кўринишдан жуда оддий миллат оталари собиқ

XX аср ўзбек адабиёти

гадир ибрат бўлиши учун тўкиб солади: Бахт қасрима кириб мени тоғди дард, Уруш, ёзда ёққан қор каби ўлим, Ўттизга кирмаёқ сочим қор ялаб, Қўз ёниб сойига тўқилди гулим.

Аммо "устига тоғ қулаган", "яшин урган полон"нинг ҳаммаси ҳам ўзини тиклашга қодир бўла олмайди. Зулфия шахсининг кучи шундаки, у бошқаларга куч тўплашга, ўзини йўқотмасликка шеърини билан ҳам далда бўла олди. Яшаб яралгани боис ҳам муҳлисларга қадрли ва ҳайратланарли мана бу мисралар:

Бўлди, бас! Жангдан сўнг ҳорин сарқарда Тирек аскарларин тизғандай қатор. Мен тирек хисларим бир жойга йилдим Ва кучли яшашга айладим қарор.

Юртин бўрон бўлиб кездим бош-оёқ, Қабристонлар аро қунолдай юрдим. Энг кичик гилёҳ ҳам назимда уйғоқ, Фақат эл-элатни сўқутда кўрдим.

Шу англовлардан кейин тазарруга навбат етади. Тазарру покляниш, маънавий хатоларнинг тўқилиши, кўнгил қилларининг ювилиши. Тавбага ҳозир, тавбага етган кўнгил ўзини шиддатли саволга тутди. Сўфий болаларнинг йўли бу. Йимонли момоларнинг авлодларга қолдирган маънавий мероси бу.

Кай бери вазирироқ саовоми — гуноҳ, Яшадим-ку рие, ҳаромдан нари.

Ҳалол киши ҳам ортига боқиб, гоҳ тахликага тушади, қанча оқил бўлса, шунча зиммасига масъулият юклайди, ўзига талаби ҳаддидан юқори бўлади. У қайта-қайта икки тушунча, тўғрироқ, икки ҳаёт тарзида, гуноҳ ва савоб оралиғида шахсининг, инсонликнинг, мусулмонликнинг моҳиятини кўради.

Билмайман, саовоми ё кони гуноҳ, Зинҳор шаккокликка йўймағ тилагим. Жасадим дарёга ташлан, руҳим пок, Оби раҳматларда сувосин таним...

Шундай қилиб у энди ишонч-ла истиқлол наҳидасини туяди. Шоирона лутф билан ўзининг ҳолатига ташбеҳ, асл ўзига табиридан халқ йўлига шуқуҳли таъриф келтиради: Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб, Қалбимга насимин билан йўл солдинг. Мен шу ҳур назмга ихтиёб бериб, Мен оғир булутдек бир ёниб олдим...

Зулфия ола умрининг хайрли шомида, саксон ёшида (1995) битган "Хотирам синиклари" асарининг залворни чўнг, чизиги зарнигор ва суруди асир этадиган дилнома. Бу ҳеч шубҳасиз, XX аср ўзбек шеърининг унутилмас, қадрлаш ва эъзозлашга арзигулик ҳодисаси. Зеро, унда истиқлолнинг зулми ва бедоқликларини олтимиш йил чекиб, мусибатлари аро ўзини йўқотмаган, энг тансиқ неъмат — Мустақилликка момо ёшида етган, яна бир маънавий неъмат — шу ёшида ҳам Худо берган катта истъоддини намоиш қилган шоиранинг санъаткорлиги, ростўйлиги ва самимиети кўнгилни тўлқинлантиради. Тадаққурни чарҳлаб, миллий руҳни ўстириб, тарихдан сабоқ чиқаришга ўргатади.



Вафо ФАЙЗУЛЛОХ

ХУРРИЯТ СОҒИНЧИ ВА СУРУРИ



Қароғида меҳр шаҳмалари ёниқ...

билим тошга уйилган нақш бўлади." Аммо шундай онани, миллат волидаси бўлгудек зотни баттол, ҳақсиз тузум не қуйларга солди:

Онам қўларига муштдай тутунчақ, Тош шаҳарни кезар авахта излаб. Авахта нечадир, зор она неча, Нечалар яшарди замонни "сизлаб".

Онам, "Сув бошидан лойқа" дердингиз...

Адабиётдаги фавқуллода образлар уни яратган адиб ё шоирнинг қалбига энг кучли таъсир этган тирек инсонлардан олинган улғилардир. "Хотирам синиклари"даги мушфиқа ва дарёдил она, "метиндан яралган" ота ва миллий гурури босқинчилар руҳини ерларчин этган ака, шубҳасиз, Зулфия онанинг бир умр юрағига яшаган яқинлари сиймосларидир. Қувонарлиси, катта ижодкорлар нафасида азизлар улкан қўлам касб этади. "Хотирам синиклари" ҳам шу даражага етган асар. Ундан ўқувчи миллатнинг худди шундай юзлаб оталари, оналари, акалари сийратини кўриб, таниб, севади, ардоқлайди; улар тақдирига қуйнади. "Хотирам синиклари" зулми "Худога солган" оталар, мушфиқа ва эзилган, кўнгил ярим булбул, меҳри билан болалари қалбини парвозга чоғлаган оналар, ўша қатлу қатагонда ноҳақ қурбон бўлиб, бекафан, бежаноза кетган саноксиз миллат акаларининг ёрқин, фожиали қисматини эсга соладиган бир манзумам.

Ака, қўлингизда отан бор эди, Ака, жонингизда кўёш бор эди, Султонликка лойиқ келбат, лаёқат, Сардориники янглир бардош бор эди. Халқни қулликда сақлашни қўзлаганлар айнан "қўзида оташ", султонликка лойиқ — ордин халқини эргаштира оладиганлардан қўрққан ва айнан шундайларни йўқ қилиш пайда бўлган. Лекин бу зимдан, аёвсиз тадбирлар билан амалга оширилганки, ярим аср энг яқин кишилари-да улар тақдирини билишолмади. Ичдан инграб, улар бошига

совет даврида йўқотиш ва қулликлар ора-лаб, келажакни асраб қолиш илминга умригузаронлик қилгани, бу жараён қанчалик қийин бўлганини ҳар бир ўқувчи ўзича тасаввур қилади.

Қолганда азоблар исқақасиди, Ота, бир кўрмалик қўзингизда ёш. Яшаб умилларнинг пок сажласида, Ҳатто ёнингизга отмадингиз тош.

Ва фақат дердингиз: "Солдим Худога!"

Бу жинойт учун муқаррар жазо борлигини билган сабрил ва матонатли отанинг, ўзбек оталарининг Яратгандангина кутган ёрдами. Зеро, "Бу қиргин дояси худосизлар..." эди.

Шоира ана шу қатагонга халқона исмлар топади — табиий равишда ташбеҳлар қаторлашиб келади, умумлашма, таққослар, жонлантиришлар:

Ва ҳалемай сездим бу қаҳратонни, Тилдай тилларига ялаб бошлади. Қадими етганда ҳар хонадоннинг, Қувончи бужмайиб, сўйил бошлади...

Бу ёлқини шеърят айни пайтда фош ҳам этади, жар ҳам солади. ...Эй гўлбағларду, қолдимми гофил, Ишонч, эътиқоқлар чиқди пушларга?! Сунниб нажотлар қутгандик, наҳот, Бизга чоҳ қазинган қора қулларга?!

Фош этишда самимиет айбини ўзига олишдан туғилади. Ахир, ўзининг гофиллигини англаган ондан у зот огоҳга эврилади. Қолаверса, инсоннинг дунё найранглариини англаши бирдан юз берадиган жараён эмас.

Меними? Мен шу қалар ёш эдим ҳали. Ёшлик — гам — беғона бири-бирига. Қутулмоққа андуҳ ботқоқларидан Осқидим муҳаббат шодлиқларига. Ёлғон жамяятда оптимист бўлишдан бошқа имконият йўқлиги боис ичида йилган аёл росманасига ҳақиқатни, фожиалар оралаган ёниқ шахсини, умрини гиря қилади. Йўқотишлардан бино бўлганлигини васиятдай, тақдирдан нолиб эмас, балки ким-

Зулфия она 76 ёшида истиқлолни қаршилади. Бу ёш дуоғуё, қиблагаҳ момоларнинг табаррук ёши. Бу ёшда инсон жуда сокин, маънавий қўввати улғу, тажрибаси етук бўлади. Зулфияхоним ана шундай ёшда "атиргул"дай портлади: олтимиш йиллик дардини тўқди. Бунга унинг "Хотирам синиклари" достони гўзал далилдир. Достоннинг дояси ҳам, боиси ҳам Истиқлолдир.

Шунинг учун ҳам унинг: Хуррият, келдингми — наҳотки келдинг — мисрасининг залвори, қувончи ва хайратини, ишончи-ишонолмай турган ҳолатини, муқаддас ҳуқуққа етилгандаги ҳажжонини тўқсон биринчи йилдан кейин туғилганларнинг қайдномасига ҳеч ҳам солиштириб бўлмайди. Бунда чинакам қулликдан қутулган оқила юракнинг талотўп хисларининг самимиий нидоси бор! Чунки у бу дамни узоқ пайт "пинҳона соғинган, пинҳона кутган..." эди.

Шоира ташбеҳларнинг энг қўламдорларини чертиб-чертиб тасаввурни зийнатлайди: Ёмғирга бағрини тутган саҳродек — Сенинг насиминга қалбимни тутдим. Ана шу мунаввар шуълада у кўз очган тупроқ, бу элнинг маънавий муҳитлари таянч нуқтаси ва каттол замон манзаралари биринчи марта майда-майда бўлиб ётган азиз хотиралардан териб чиқилади. Хотиранинг азиз синиклари миллатнинг, комилликка интилган инсоннинг бутунликларидан ровийлик қилади: Бу онам — Тангрининг бахтли чоинида Айри ихлос билан яратгани ёнида. Қароғида меҳр шаҳмалари ёниқ — Гулдаган ўрикдай ораста отин.

Яхши шеър қандай ёзилади, деган саволни кўп эшитганман. Ва ҳар гал бу саволга битта жавоб топаман: яхши шеър кўнгилни хислар алангасида ёқиб ёзилади. Кўнгил эса бу алангадан ёшариб, покляниб бораверади.

Катобингизни ўқидим

Яна, шеър бу — туйғуларнинг тумори, дегим келади. Зотан, бу тумордаги ҳикмат қалбимизни ҳаётнинг умид деган дарахтига пайванд қилади.

ЮРАКДАГИ АЛАНГА

қилади. Мухтасарнинг «Кўнглим шуълалари» номили китобини варақлаб кўнглим таскин топди. Ва ўша аланганинг ҳароратини ҳис қилдим. Мухтасарга қўшилиб шивирладим:

Турналар, Турналар, эсингиздами, Сирли тушларини теракзорларда Шивирлаб кезинган қизалоқ эдим. Яллизилар тўла саватчаларда Кўзини яширган исмалоқ эдим.

Негадир йиғлагим келди. Бўғзимга тикилган йиғининг номи Соғинч эди. Кўнглим шеърдан силқиган ёмғирда юмшади... Назаримда Мухтасар шеърни қуйлаб ёзади, қуйиб ёзади. Шунинг учун ҳам бу шеърларни ўқиганингиз сари, кўксингизга ширин бир дардининг оҳангли шаббодаси урилиб бораверади.

Яшириб нима қиламиз: чираниб ёзгуччи шоирлар ҳам бор. Уларнинг шеърларини ўқиб, ўқиганингга пушаймон бўлиб, ҳайқиргинг келади: ҳой, барака топқур, сўзларни ўз холига қўй, улар ҳам тўйиб нафас олсин!

Мухтасарнинг «Кўнглим шуълалари»ни ҳаяжон билан варақлайман. Ундаги тошқинли туйғуларга қўшилиб тошқинланаман. Бу шоиранинг қалбидоги дарёнинг тўлқини ҳали янада баландалишига ишонаман. Ва шеърсева кўнғилларни, ишқдан йўл излаётган ошиқларни «Кўнглим шуълалари» томон чорлагим келади.

нади, руҳни шарафлайди. Сохта ошиқлик эса ҳазарлидир. Шу маънода Мухтасарнинг самимиий ошиқлигига ҳавасим келди. Шеър ишқи қонда бўлади. Зотан, томирларингизда оқаётган қонда ана шу ошиқликнинг олови чирсиллаб турмас экан, яхши шеър ёзолмайсиз.

Мухтасар бунга яхши билади. Йўқ адашдим, у қонидаги оловнинг чирсиллашини шеърга солади.

Майлига, кетмак ҳам бир йўлдор, Фақат қайтмоғи ҳам бор ҳали. Ёрсиз йўл олмақ кўп малолдир Яратган йўқлайди: «Мухтасар қани?» Яратган йўқлайди: «Мухтасар қани?»

Халима АХМЕДОВА

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2013 йил, июн ойи сони

"Навоий сабоқлари" рукнида бу гал улғу шоир рубойларининг истъододли таржимон Қосим Маъмуров томонидан инглиз тилига қилинган таржималари таҳлил этилган. Таржимашунос олимлар Ш.Сирожидинов ва Г.Одилова Навоий рубойларида қўлланган бадиий санъатларни хорижий тилда қайта яратиш қийинлигини характерли мисоллар билан далиллаб кўрсатган.

"Бенгал ҳикоялари" туркумида бенгалиялик таниқли адиблар Порошурам ва Б.Бондопадҳайнинг ҳикояларини Назира Жўраева таржимасида ўқийсиз. Журналнинг олдинги сонларида эълон қилинган рус адабиёти классикалари Ф.Достоевскийнинг "Иблислар" романи ва М.Булгаковнинг "Дон Кихот" пиесаси ҳамда машҳур япон адиби Н.Сосэкининг "Қалб" номили романи давомини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Рус шеърининг "Кумуш асри" вакиллари Иннокентий Анненский, Борис Пастернак, Эдуард Багрицкий ва бошқа машҳур шоирларнинг сараланган шеърларини аслиятдан Усмон Азим ва Хосият Рустамова таржима қилган.

"Элга эл қўшилса, давлат. Маълум адабиётга бошқа халқ бадиий ҳазинасидаги асар таржима бўлиб қўшулар экан, ҳар икки адабиёт ҳам, ҳар икки халқ ҳам баравар даражада бойийди", деб ёзади "Улкан мерос" номили мақоласида адабиётшунос М.Қўшмоқов. Мақолада атоқли шоир Миртемирнинг таржимон сифатидаги қўламли адабий мероси ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, жаҳон поэзиясининг улғу

намояндалари ижоди намуналари Миртемир таржимасида берилганки, бу таржима асарлар ҳар жиҳатдан сабоқ бўларлидир.

"Адабиётшунослик. Фалсафа" рукнида берилган Акмал Саидовнинг "Иблислар" — оғоҳлик ва баъшорат романи мақоласи Ф.Досто-

Журналларни варақлаганса

евский асари ҳақида бўлса, Абдулла Улуғовнинг "Туш — ғаройиб жумбоқ" мақоласида халқ оғзаки ижоди ва реалистик адабиётда тушнинг бадиий талқинлари борасида фикр юритилади. Зайнобиддин Абдурашидовнинг мақоласида улғу маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидовнинг ҳаёти ва фаолиятига бир назар ташланган. Нарзулла Жўраевнинг "Таваллодан муножотгача" илмий-фалсафий эссеида "Шарқ тафаккур тарзини чуқур ўрганган, унга эътиқод билан қараган ва кенг тарғиб этган дунёвий алломалардан бири" немис файласуфи Ф.Нитше фалсафасида ҳис ва ақл, қалб ва руҳият сингари тушунчалар талқини ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ушбу сонда 2012 йилда сюрреалистик руҳда ёзилган "Мусаллас ўлкаси" романи учун Нобел мукофоти билан тақдирланган хитойлик адиб Мо Яннинг "Қиссагўй" сарлавҳали "Нобел маърузаси" босилган (таржимон Амир Файзулла), "Унитилмас сиймолар" рукнида улғу танқидчи В.Белинский, адиблар И.Гончаров, А.Сент-Экзюпери, хонандалар Н.Аҳмедова, А.Зохир ҳақидаги сермазмун мақолалар, кино санъати хабарлари билан танишасиз.



Хилола АБДУРАҲМОНОВА

"ГУЛИСТОН"

2013 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони мундарижасига салмоқ бағишлаган мақолалардан бири таниқли адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг Соҳибқирон Амир Темуру дэврига доир мақоласидир. "Соҳибқирон Амир Темуру бунёдкорликлари, осори атиқалари Самарқанд, Қаршию Шаҳрисабдан ташқари жаҳоннинг турли мамлакатларида: бутун бир шаҳар, бинолар ансамбли, яқна бино, қаср ва мақбаралар тарзида ҳозиргача қад кўтариб турибди", деб ёзади муаллиф. Ш.Турдимов ва М.Қозқобоевнинг Хивада ўтказилган "Бахши-шоир, оқин ва халфаларнинг анаънавий Республика кўрик-танлови" таассуротлари, "Ниҳол" мукофотининг жорий йилдаги совриндори Умида Ҳамидова билан суҳбат, шунингдек, Қ.Қурбоновнинг сийсий портрет жанрининг ўзига хослиги, Б.Ҳасановнинг "Қатагон қурбонлари хотираси" музейида кейинги пайтда амалга оширилган ишлар ҳақидаги мақоласи, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва бошқа санъатга бағишланган тадбирларга доир лавҳалар, хабарлар мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётда айна кунларда кечаётган қизгин жараёнлар борасида кенг тасаввур беради.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидо ижодкорларнинг янги асарлари ҳам бир неча саҳифалар ажратилган. Чунончи, Улуғбек Ҳамдамнинг туркум шеърлари, Нормурод Норқобилонинг "Яқсон бўлган қитъалар" номили ҳикояси ва ушбу ҳикоя ҳақидаги Жалолбекнинг таҳлилий мулоҳазалари, машҳур шоир Расул Ҳамзатов ҳақидаги лавҳа ва ижодидан намуналар (Э.Мустафоев таржимаси) бадиий сўз муҳлислари томонидан қизиқиш билан ўқилади. Фарб адабиётдан таржималар, М.Гафорованинг "Бадиий адабиётда туш мотиви", Ш.Субхоннинг буюк мусиқачи Фузига Лист ҳақидаги мақолалари ҳам жур ушбу сони мундарижасини бойитган ВАЛИЕВ

Хусниддин ШАРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

БАХТНИ АХИЛЛИКДАН ИЗЛАДИМ



Нур эмган гулчалар гулга айланар,
Бу гул бир фаслда болга айланар.
Соат ҳам биз билан олға айланар,
Шу йўлда адолат — қонунимиздир!

ЯШАЙДИРМАН

Ҳаётимни қилиб хонш яшай дерман, яшайдирман,
Негайки, йўқдир осон иш, яшай дерман, яшайдирман.

Баҳор, ёз, куз бошимдан сочию гул, мева, япроқлар,
Қитиқлаб қочди саксон қиш — яшай дерман, яшайдирман.

Қарибсан-ку деманг, илҳом парисин ёр этибманки,
Берар умримга оройиш: яшай дерман — яшайдирман.

Оқар сатр ичра ҳар оним, уззу-қун тўлганар жоним,
Насибам бўлса ҳам ёниш, яшай дерман, яшайдирман.

Қалам ер ўз ичин, эвоҳ, олар ўч сўнгра қоғоздан,
Қоғоз шод, ёғдирар олқин: «Яшай дерман, яшайдирман!»

Ширин тушлар безаб, эртакка айлангач туним гоҳ,
Ҳукмроним бўлар дониш — яшай дерман, яшайдирман.

Биларман бир бинокордек, фазал қасрин деворига
Кўйилмас хом ва арзон гишт — яшай дерман, яшайдирман.

Сўзимнинг мағзи шулки, назм отлиғ бу бўстонда
Музаффар, мисли Алломиш яшай дерман, яшайдирман.

Туғаб назимда кам-қўстлар, табассум айлагач дўстлар,
Юрак ҳам берса фармойиш, яшай дерман, яшайдирман.

Бир ҳикмат кашф этолсам бас, қизитиб дил бозорини,
Бўлиб бошимга бахт болиш яшай дерман, яшайдирман.

АХИЛЛИК

Авлодлар сафида шиддат янгилик,
Давр хотирини эттайдир обод.
Ўшандан бошлангай: «Ниятлар эзгу!»
Деган шиирини ҳар янги авлод.

Кимдир арбоб бўлар, ким эса — ишчи,
Вақт — бу учқур тулпор, беролмағай дош.
Бахтни аҳилликдан излаган киши,
Бахш эта олади юртга ҳам ривож.

Ҳаёт достонига худ-беҳуда,
Ёзилмас ҳеч қачон кимнингдир исми.
Гўзал туш кўрмоқчи бўлсак уйқуда,
Гул экиб безайимиз кундузимизни.

Чамамда, ҳавомиз қозони қизиб,
Уч қарра болланди мевалар бу йил.
Эй қалбим гулоби, томиларан сизиб,
Жўш ургин, муҳаббат наҳрига қуйил!

ҚАЛБИМИЗ ҚОНУНИ

Фарзанднинг хоҳ ўғил, хоҳ барно қиздир,
Қалбига муҳаббат суватин чиздир.
Қар озор юракдан таралсин наво:
Элимга саодат — қонунимиздир!

Кўкда кезиб борар ер шари белор,
Хавотир олмағай бу яшил диёр:
Сарҳадлар мустаҳкам, посбонлар хушёр,
Ватанга садоқат — қонунимиздир!

Умр гарчи эмас — сайру саёҳат,
Ҳеч ким тақдирдан қилмас шикоят.
Қўлга қўл берайлик: ёшлик — шижоат,
Кексага фароғат — қонунимиздир!

Заминни ардоқлаб юртим деҳқони,
Боғлари сўлимдир, бутундир нои.
Жаннатни кўргандай яйрар меҳмони,
Меҳр ва саховат — қонунимиздир!

ОТ ИЗИДАН

От изидан тойи келар,
Бир ўйноқи куйи келар.
Ёрим ўтган боғқўчадан,
Гуллоланинг бўйи келар.

Ёшлик деган йўл тозадир,
Пок севидан андозадир.
Муҳаббатим зиёсида,
Дил гуначси гул ёзадир.

Куйлар булбул гулзорига,
Талпинар дил ўз ёрига.
Таъзим айланг, вафодорлар,
Чин муҳаббат диёрига.

От изидан тойи келар,
Най навоси, куйи келар.
Ёрим ўтган боғқўчадан,
Гуллоланинг бўйи келар.

Гулистон МАТЁҚУБОВА, Қорақалпоғистон халқ шоири



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНИМ

Тонглар отар тинч осуда осмонли,
Шаҳарлари янги кўшкли, давронли,
Қизилқуми эрка, озор жайронли,
Мустақиллик гулбоғида юртим бор.
Халқимизнинг ардоғида бу диёр.

Мустақиллик сахромиз гулзорлиги,
Дўст-биродар элим бахтиёрлиги,
Дунё ҳавас қилган ҳур диёрлиги,

Кенгликларда бахти кулган юртим бор,
Устюрт каби хазинадир бу диёр.

Тўй-байрами ярашади элларга,
Бахшилари кўшқил улар тилларга,
Булбуллари кўниб гулдан-гулларга,
Оналарнинг қароғида юртим бор,
Оталарнинг ардоғида бу диёр.

Ҳар илмда илдам, зукко болалар,
Йигитлари яхши ишга бош булар,
Қизларнинг жамолидан ой тўлар,
Янги авлод юрағида юртим бор,
Эл-улуснинг ҳурматида бу диёр.

Улуғ ватан, қутлуғ ватан, жон ватан,
Фидо бўлсин сенга бугун жоңу тав,
Сен бахтимсан, орқа тоғим, мангу шаън,
Халқимизнинг келажаги — юртим бор,
Яхшиларнинг тилағидир бу диёр!

Мустақиллик янги замон, ҳур замон,
Орзулар рўёбига Устюртдир қон!
Қоратоғда қора маржон, оқ маржон,
Ўзбекистон диёрида юртим бор,
Кенг жаҳоннинг айвонида бу диёр.

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

ЖИЙДА ГУЛИНИНГ АТРИ

ХАЛҚИМ

Улуғ дарёлардан сув ичган халқим,
Собит қаламлар-ла тоғлардан ошар.
Нур каби югурик, офтоблек балқиб,
Юксак парвозлардан шиддати тошар.

Юртим тоғларида, қояларида,
Бордир боболарнинг улуғ келбати.
Эккан чинорларин сояларида,
Сабоқ олғай башар маънавияти.

ВАТАН

Билқиллаган тупроқлар,
Шитирлаган япроқлар,
Шарқираган ирмоқлар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Сузиб юрган будуллар,
Толда сариқ тивитлар,
Пишиб тўкилган тутлар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Жийда гулининг атри,
Чақмоқнинг қисқа сатри,
Сир каби дарё қалри —
Кўнглимга шифо, Ватан.

Осмон-ла ер ўпишар,
Майсага шудринг тушар,
Икки юрак топишар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Тоғларнинг салобати,
Боғларнинг ҳаловати,
Юлдузлар саловати
Кўнглимга шифо, Ватан.

Беминнат салқинларинг,
Ўрқачли тўлқинларинг,
Йироғинг, яқинларинг,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Истиклолинг — қанотим,
Истиқболнинг — нажотим.
Ҳаловатда ҳаётим,
Кўнглимга шифо, Ватан.

ШУКУҲ

Теракларнинг адл қомаги,
Кўривади хув олис ёқдан,
Тиканинг-да келган омади,
Юртим, сенда униб чиқаркан.

Порлаб, кўпчиб, отилиб, қайнаб,
Ранглар учар, товушлар учар.
Чаманларини оролар шамол,
Гул титроғи қалбимга кўчар.

Нафас олар бунда мангулик,
Кўклар тонги бор нафасида.
Қалби тоза, юзлари ёруғ
Одамларнинг қиёфасида.

ХОНАДОН

Дуоғуи отаси бор хонадонга,
Бир мунис онаси бор бу маконга,
Шарқираган дарё каби келади,
Топган ҳалол ризқин қайириб келар,
Оила юкнини елкага ортган
Эр етган ўғлонлар, қобил ўғлонлар,
Дуоғуларини қафтда тутганлар.
Барака ёғилар шу хонадонга,
Ҳавас-ла боқурлар шу хонадонга.

МАНЗАРА

Гўё севганидан хижолат бўлиб,
Булут пардасига қиздай қочди ой,
Гулдонда гулларини ҳайрон қолдириб,
Деразамни шамол очар пардай-пай.

Уни ёлга олиб, мен ошфтахол,
Мени қийноқларга содди ишқ, афсус,
Булут пардасига бурқаниб ҳиллол,
Севилган қиз каби хижолат ҳануз...

— Хой, шоир, туринг, ташқарида
сизни қандайдир расво сўраб
келибди!

Меҳмонхона ходимининг бош устига
энгашган кўйи шивирлаб айтган
бу гапи Абдулхамиднинг уйқусини
дафъатан ўчирди. Қуни бўйи дўстлари
билан водий бўйлаб қилинган сафар-
саёҳатлари, адабиёт ихлос-мандлари
билан кизгин учрашувлардан чарчаб-
толиққан, шу боис қотиб ухлаётган
одамга уйғониш осонми?! Лекин “расво”
деганлари!.. “Расво”нинг кимлигини
бу одам, умуман, атроф-жавонидан
банди гоғиллар қайқандан билсин!
Кўнглида кучли соғинч хисси бош
кўтариб, бўғзига бир нидо бааяни
тошдек қадалди: “Отам! Уғил ота билан
кўришиб-қутлашолмай, чинакам ота-ўғил
сифатида суҳбатлашолмай юрганида
наҳот отанинг ўзи ўғил билан дийдорла-
шиб-қутлашгани келиб турган бўлса?
Ахир бу ёруғ оламда “Расво” биттагина,
у ҳам бўлса, падади бузруквор
Сулаймонкул баъзо-ку!

Бир пайлар ёлғиз ўғлини Андижондан
Тошкент сари кузатар экан, отасининг
кўйиб-ёниб айтган дил сўзлари
қулқуларига бааяни кўрғошдек
қўйилиб қолган: “Мен ювқусиз
ҳаром-ҳарис пастиқлар билан
ҳар қадамда ёвдек курашиб, бало-
хўрларнинг башараларига кўзгу
тутиб яшаётган расвоий радди бало,
ашаддий расвоий жаҳонман! Шунинг
учун ўзимга “Расво” тахаллусини тан-
лаганман. Эларнинг озолиғи юртин-
нинг ободлиғи йўлида кўйиб-ёниб
адо бўлган буюк ҳақгўй Адо — Адой-
нинг шогирди эканимдан фахрлана-
ман! Шоядқи, устозга муносиб
шогирдлик менга ҳам насиб бўлса!

Устознинг сўзу лафздаги ишларини
давом эттириб, бу жафокаш
халқнинг бошига ёғилган балоларни
ўзимга олиб, майли, мен ҳар қанча
расвоий радди бало бўлай, фақат
она халқим балолардан тезроқ қути-
либ, елкаси офтоб кўриб, пешонаси
ярқираса шояд! ўзинг кўриб туриб-
сан, эй, нурий дийдам! Менинг-ку,
шу йўлда бўларим бўлди, кундан-
ку баттар!.. Энди сен ўзингга хушёр
бу кўпни кўрган халқ “қозонга
вақирсанг қораси юқди”, деган
қатим.

гапни билиб айтган! Гапнинг қисқа-
си шуки, энди сен мендан узокроқ
юртининг керак бўлади, ўғлим! Токи
“Расвонинг ўғли!” деган тавқи лая-
нат сенинг ёруғ келажагинга соя
ташлаб юрмасин! Бу жаҳон айвони-
да камдан-кам шоирнинг ўғли шоир
бўлган! Шоир отадан шоир ўғил
чиққан тақдирда ҳам уллардан ҳеч
бири отадан ўзган ўғил бўлолма-
ган! Қанийди, энди шундай мисли
кўрилмаган бахту толеи сенга
насиб қилса! Бунинг учун қада-
мининг йўлаброқ босишинг, аввало,
душман кўзи қилиб отангдан
узокроқ туришинг, отангнинг
уйидан қадамингни узишинг
керак! Мен — қадимчи, сен —
жадид бўлгач, бўёғи қадимчилар
билан жадидлар анчадан буён
тўнашаётганини, балки тўқнашти-
рилаётганини яхши биласан! Шу-
нинг учун эрта бир кун ота билан
ўғилни уриштириб томошамизни
кўриш иштиёқида турганларни
қаттиқ доғда қолдирайлик иккимиз!
Майли, вақтинча кўришмасак,
кўришмайлик, фақат уриштириш-
ларига йўл бермайлик! Худо кўрсат-
масин, агар дийдор қиёматга
қолгудек бўлса, сендан розиман,
сен ҳам мендан рози бўл!.. Агар
кўришишга зарурат туғилса,
мен сени ўзим топаман, лекин
зинҳор сен мени йўқлаб келма,
ўқдингми? Менинг шу гапларимни
хоҳла — насиҳат, хоҳла —
васият деб бил, ўғлим!..”

Абдулхамид меҳмонхона ховлиси-
га чиқиб, тўлин ой ёруғида кучоқ
очган кўйи ўзига пешвоз юрган
отасининг бағрига отилди: “Отам!
Отаним! Отаним!.. Биринчи тарбия-
чим, биринчи муаллимим, биринчи
устозим, биринчи пири муриддим!..
Далли ўғилнинг муҳкам келажагини
деб дийдорни қиёматга қолдириш
фикридан қайтганингиз ҳақ-роҳ
бўлсин, отажон! Наҳот бу кўзларим
алдамапти? Наҳот эшитганим ёлғон
эмас!..”

Абдулхамид ойдаинда отасининг

қадрдон руҳсориға, тийран кўзлари-
га интизорлик билан тикилди.
Кейинги йилларда фақатгина туша-
рида кўраётган падади бузруквори-
нинг дийдори!..

Отаси уни бағрида тутган кўйи
овози титраб ҳаяжон билан шивир-
лади:

— Тезроқ ташқарига чиқиб,
халироқ жойга ўтайлик, ўғлим!
Тагин кимдир бизни бирга кўриб
қолмасин!..

Ота-ўғил меҳмонхона ховлиси-
дан кимсасиз кўчага чиқдилар.
Кўздан панароқ жойда

ОТАУЛИ

ДИЙДОР

юзма-юз ўтирдилар. Ота ўғилга
синовчан тикилди:

— Қалайсан энди, ўғлим? Бош-
кўзинг соғ-омон, ишларинг яхши-
ми?.. Яқинда “Тонг сирлари” кито-
бингни, айниқса, унга Жулкунбой
ёзган ажайиб сўзбошини ўқиб бир
кувондим-бир қувондим! Ишқилиб,
илоё кўз тегмасин, бало-қазолардан
Яратганинг ўзи асрасин сени ҳам,
устозингни ҳам!..

Абдулхамиднинг ақли бовар
қилмади:

— Менинг бу ердалигимни қайқандан
билдингиз, қандай топиб келдингиз,
ота?..

Отаси мамун жилмайди:
— Эрталаб чойхонада бир неча
шоир-ёзувчилар водийда юрганини
эшитиб қолдим. Шаҳардаги ягона
меҳмонхона шу бўлганидан кейин,
ахийри тун ярмида келдим-да,
қоронғунинг қўлига бир сўлқовий
бериб, “Чўлпон деган шоирга “Сени расво
чақиряпти” деб айт, дедим. “Расво-
си нимаси?” деб ҳайрон бўлган эди,
“Сен шунақа деб айтавер, сендан
нима кетди” деб базўр кўндирдим.
Бўёғини мана, ўзинг кўриб турибсан!

Абдулхамид отасига тикилган
кўйи анграйиб қолди. Ич-ичдан бир

тошқин тошиб чиққандай бўлди. Ҳа,
мана, ўз кўзлари билан кўриб туриб-
ди! Мана, Мавлоно Муқимийдан минг
қарра хоҳисорроқ, она тупроқдек
бечора бир зот! Ўғилнинг пойқада-
мига жонини пояндоздек тўшашга
тайёр жонсарак ота! Ўзини ер деб
билган само дил зот — “Расво”. Шу
тахаллусдаги улуғ шоир, Чўлпоннинг
биринчи устози!.. Овози титраб
сўради:

— Ўзингиз қандайсиз, отажон?
Оғримай, қийналмай

— Худога шукр, ўғлим!
Омончилик!

— Сингилларим, жиянларим
яхши юришибдимиз?

— Улар ҳам яхши, ўғлим. Ҳам-
малари сени қаттиқ соғинишган.
Айниқса, мен... кундузга базўр чи-
дадим-да, кечаси уйкум қочиб,
“Ўғлим ўз оёғи билан шаҳримизга
келганида дийдорни қиёматга
қолдирай, ҳеч кимга билдирмай
ими-жиммида бир дийдорлашиб
қолай”, деб...
Ота ўғилга синовчан тикилди:

— Сени қидириб келишимдан мақ-
сад фақат дийдорлашиб эмас,
ўғлим, шу баҳонада айтар сўзларим
бор! Ўзинг ҳам яхши биласанки,
кўп йиллардан буён жадидлар қадимчи-
ларни ёмонотлик қилиб, уларга ма-
ломат тошларини отиб келаётган
эди! Мана, кейинги йилларда “мушт
кетди” бўлиб, энди шўролар жадид-
ларни ёмонотлик қилиб бошлади.
Худо билади, эрта бир кун кимлар
шўроларга қарши чиқар экан! Улар
эл-юртта бало бўладими, ё балога-
дон? Билмадим, бу халқ қанча
иккига-учга бўлиниб, бир-бири би-
лан қирпичоқ бўларверар экан! Қачон
бу халқ қутлуғ бир гоё атрофиди
бирлашади ким бу халққа тўғри йўл
кўрсатади? Фикри ожизимча,
ана шу қутлуғ гоё ҳам халқнинг бир неча
минг йиллик тарихий ўзлигини,
ҳам ҳозирги замонга зайлини ўзида ифо-
далаш керак! Мен шу қутлуғ йўлда
қўлдан келганча ҳаракатимни қил-

дим. Энди “тегирмоннинг навбати”
сенга келиб турибди! “Тонг сирла-
ри” билан қўйган биринчи қадаминг
қутлуғ бўлсин! Ўзим кўриб-кечир-
ганимдан келиб чиқиб айтсам,
шеърий туйғуларни кўзгаширинг
таъсирчан усули, бироқ насл ҳам
туйғуларни, ҳам фикрларни кўзгоччи
ҳамда ҳаётни аниқроқ тасвирловчи
таъсирчанроқ усул, замонга зайлидир,
замонанинг овозидир. Сенга ҳам
оталик, ҳам устозлик насиҳатим
— майли, шеър ёзиш иштиё-
қинг сўнамсин, бироқ бутун
куч-ғайратингни насрга қарат!
Шу кеча-қундузда шўроларнинг
оёқ олишидан қўрққулик бўлиб
турибди! Қани энди, халқнинг
қутлуғ ўтмиши муштамлака
тузумининг бутун авра-
астарини кўрсатадиган бир
йиррик-роқ асар ёза олсанг!
Қолаверса, бу халқнинг келажаги
нима бўлади, бу халқ тўғри йўлга
қандай чиқиб олади, дунёда
ўзининг муносиб ўрнини қандай
эгаллайди, шулар ҳақида ҳам
ёзсанг... — Ота тин олди,
сўнгра давом этди. — Токи халқ
дўст ким, душман ким,
куч ва эътиқодини қаердан
олиши кераклигини билсин!
Нима дединг, ўғлим!..

— Тўғри айтасиз, отажон!
Ўзим ҳам шундай бир олий
мақсадни ўйлаб юрган эдим.
Мана, устозим икки машхур
романи билан муштамлака
арафасидаги ҳаётни аниқ-равшан
кўрсатиб берди. Қани энди мен
муштамлака даврининг бутун
зимистонини ёритиб, бу
зимистонини ёриб чиқа олсам!..

— Яша, ўғлим! Худо сенга
қувват бери, ўз памоҳида
асрасин! Ўзингдан бўлсин,
халқ душманлари бундай асар-
лар ёзилишига тиш-тирноқлари
билан қарши бўлади. Хатто
сенинг ўзингни “халқ душмани”
деб айблашдан тиймайди!
Шунинг учун сен энди
янаям хушёрроқ бўлишинг
керак, ўғлим!..

Шу пайт кимдир сарпойи
ҳолда меҳмонхонада
ҳовлиқиб чиқиб, атрофга
аланлаган кўйи овоз берди:
— Чўлпон! Чўлпон, дейман!
Қаердасиз, дўстим? Қоронғида
ким би-

лан топиша қолдингиз?!

Отанинг юрағи шувиллаб ўғилга
тикилди:

— Ким бўлди бу? Сени чақиряпти-
ку, ўғлим!..
Абдулхамиднинг дил қаёрида
бир тўфон бош қўтарди гўё.
Айни лаҳзалардаги аҳвол-
руҳиясини отадан сир тутиб
ўтирмади — барибир,
ҳаммасини беш қўлдек
билади!

— Ҳамхонам, аниқроғи,
доимий ҳамроҳим бу одам!
Бутун иши мени, иложи
бўлса, ҳалажойга қузатиб
бориб, ҳар бир қадамим
ҳақида кераклик жойларга
хабар бериб турадиган
шахсий пойлоқчим,
ўзимнинг қўшқулоқ
жонсизим! Халигина
донг қотиб ухлаб ётган
эди, бирдан ўғоғиб
тўшагим бўшлигини
кўрган-да, “Тун
ярмида қайқа
гумдон бўлди бу,
эртага сўраша нима
жавоб қиламан?”
деб ўзича қаттиқ
безовталанган!..

Ота астойдил афсус-надомат
чекиб бошлади:
— Оббо! Сен билан
дийдорлашман деб,
кўнгли измига юриб,
икки ўртада ўзим
истаманган ҳолда
қовун тушириб
қўйибман-ку,
ўғлим! Чўлпон дий-
дорлашдим”
дема! “Уйқум қочиб,
кўчага ўзим
айлиниб чиққан
эдим”, дегин,
хўпми!..

Абдулхамид отасининг
иродасига бўйсунган
кўйи билан
ўзингизга кўчқолашиб
хайрлашар,
эҳтимолки,
видолашар экан,
нақ бўғзига
келиб тикилган
тоши базўр ютиб-
ютиниб, охишта
шивирлади:

— Хўп, отажон,
хўп! Сиз ҳам ўзин-
гизни эҳтиёт қилинг!.. —
Чўлпон жадаллаб
узоклашаётган
отасининг ор-
тидан термулиб
турди. Сўнг
меҳмонхона
тарофга овоз
берди: — Мана,
мен буюкдаман,
дўстим! Дарров
соғиниб қолдингизми,
нима бало!..

Қоронғуликда азиз
дийдордан дили ёришиб
турган Чўлпонга бир
қора яқинлашар,
бири эса тобора
узоклашиб борар
эди. Бу “қора”лар
бир-бирини
кўрмасдилар.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Анжуман доирасида ўтказилган "Шарқ мусиқа аъёнлари замонавий маданият тизимида" мавзусидаги илмий конференция санъатшунос олимларнинг йирик халқаро анжумани сифатида муҳим ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Тадбирда ўнлаб мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашди.

Бу гал ҳам фестивалда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари,

си вакилларига насиб этди. Буркина Фасо ва афғонистонлик иштирокчилар биринчи, Хитой, Буюк Британия ва Жанубий Корея санъаткорлари иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик созанда Аббор Зуфаров, Япониянинг "Чикуюша" гуруҳи ҳамда австриялик санъаткорлар эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Хаяжон ва фахр-ифтихоримни сўз билан ифодалашим кийин, — дейди Гран-при соҳиби, Ҳиндистон жамоаси раҳбари Рашид Агарвал хоним. — Аввало, мазкур нуфузли санъат анжуманида иштирок

лик изҳор этаман. Биз келгуси фестивални ҳам орзиқиб кутамиз ва бу гўзал сахнада яна кўшиқ ижро этишни орзу қиламиз.

Бир қатор кўшимча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Маросимда фестивал голиб ва совриндорлари, юртимиз санъат усталарининг катта концерт дастури намойиш этилди.

Фестивал байроғи туширилди. Анжуман иштирокчилари яна икки йилдан сўнг Самарқандда "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалида учрашиш ниятида

ЯНА САМАРҚАНДАДА КҮРИШГҲНЧА, ХАЙР!

маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Самарқанд, Регистон майдони. 30 август...

Неча асрларга гувоҳ мадрасалар нилий гўмбазлари ранго-ранг чироқлар нуридан ёғдуланади. Салобатли майдондаги амфитеатрда фестивал иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат илхосмандлари йиғилган. Бу ерда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросими ўтказилди.

Фестивал қатнашчилари ва ҳакамлар ҳайъати барча тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилгани, юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун мамлакатимиз раҳбариятига, халқимизга миннатдорлик изҳор этдилар. Президент Ислам Каримовнинг фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этиб, форум иштирокчиларини самимий табриқлаб, дил сўзларини изҳор қилгани барча санъаткорларни гоёат руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Хаяжонли лаҳзалар бошланди ва "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали голиб ва совриндорларининг номи эълон қилинди.

Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Ҳиндистон Республикаси



Суратда: Фестивалнинг бош соврини — Гран-прига сазовор бўлган Ҳиндистон Республикаси вакиллари.

этишнинг ўзи энг катта муваффақият эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бизнинг чиқишимиз юқори баҳоланиб, олий мукофотга муносиб кўрилгани ҳинд халқи санъатининг юксак эътирофи деб биламан. Фурсатдан фойдаланиб, шундай гўзал ва бетакрор фестивални ташкил этиш ташаббускори — Ўзбекистон Президентига, тадбир ташкилотчиларига миннатдор-

хайрлашдилар.

Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ирода УМАРОВА, Голиб ХАСАНОВ, Ўза махсус муҳбирлари

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

Зумрад ДАДАШЗОДА — санъатшунослик фанлари номзоди, профессор (Озарбойжон):

— Самарқанд бугун мен учун қадрдон масканлардан бирига айланган деб бемалол айта оламан. 2007 йили

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида илк бор иштирок этганим кечагидек ёдимда. Ушанда Регистон майдони қаршида қалбимда кечган ҳаяжон ва ҳайратни сўз билан ифодалаш кийин. Бу сафарга анжуман ҳам менда унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалда нафақат Шарқ, балки дунёнинг барча қитъаларидан ташриф буюрган санъаткорлар ўз ижод намуналарини намойиш этиш шарафига мўъжас бўлишди. Анжуман шуниси билан ахамиятлики, унда иштирок этган санъаткорлар бошқа халқлар санъати ва маданияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Юртингизда мусиқа санъатига кўрсатилаётган юксак эътиборни кўриб ҳавасим келди. Айниқса, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида болалар мусиқа санъатига кўрсатилаётган гамхўрлик туфайли Ўзбекистон болалари жаҳонда эришаётган ютуқлар бизни ҳайратга солди. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мамлакатингиз ёшлари учун катта мактаб вазифини ўташига шубҳа йўқ.

Бу йилги фестивалда Озарбойжондан "Ширвон" муғом гуруҳи қонун, уд, қонунча, ногора каби миллий чолғуларимиз билан иштирок этди. Шу ўринда ўзбек ва озарбойжон миллий мусиқа санъатлари бир-бирига жуда яқинлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, муғом ва мақом аслида бир илдизга эга мумтоз йўналишлар экани азалдан маълум. Бу ҳам халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар, дўстлик, биродарлик рилталари нақадар қадимий ва мустаҳкамлигидан далолатдир.

Махиде ЛЕИН — продюссер (Германия):

— Ўзбекистонга тўртинчи бор ташриф буюришим. Юртингизда ҳар сафар меҳмон бўлар эканман, юз бераётган катта ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушаман. Ўзбек халқи санъатни жуда севади. Буни халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимийлигида ҳам сезиш мумкин. Фақат санъатга ошқо қалбларгина мана шундай фазилатларга эга бўлади.

Бу гал "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида "Ланая" номли гуруҳимиз билан қатнашдик. Эътиборли жиҳати, жамоамиз аъзолари Шимолий Африка, Бразилиядан тўпаланган ёшлардан иборат. Репертуаримиз эса Африкадаги мандинго халқининг мусиқий мероси асосида тайёрланди.

Бизда ҳам худди сизлардаги каби турли хилдаги мусиқий йўналишлар мавжуд ва ҳамма севиб эшитадиган услублар бор. Шахсан ўзим миллий мусиқини сақлаб қолиш тарафдориман. Шу сабабли миллий му-

сиқани замонавий йўналишлар билан уйғунлаштирган ҳолда аъволар яратишга ҳаракат қиламан. Шундагина бу ёшлар учун ҳам бирдек қизиқарли бўлади.

"Шарқ тароналари" фестивалида замонавий ҳамда миллий мусиқага оид кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдим. Тўплаган тажрибалардан ижодимда фойдаланишга ҳаракат қиламан. Зеро, Шарқ мусиқаси дунё халқлари учун ханузгача сир бўлиб келаётган катта бир олам. Айниқса, ўзбек мумтоз мусиқасининг узок асрлардан бери сақланиб келаётган аъёнлари дунё мусиқашуносларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Умид қиламизки, келажакда Германияда ҳам "Шарқ тароналари" сингари йирик санъат анжуманлари ўтказилди ва унга, албатта, ўзбек ижрочиларини ҳам таклиф этамиз.

Фарид ал-Балуши — "Мускат наволари" гуруҳи аъзоси (Уммон):

— Самарқанд ҳақида кўп эшитгандим. Уни кўриб, афсонавий шаҳарнинг чиройи ва тароватидан ҳайратни янада ошди. У тасаввуримдагидан ҳам гўзал ва бетакрор экан. Бу гўзаллики амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, фусункор хибонлар, мурақаб меъморлик ечимларидан фойдаланган ҳолда барпо этилган иншоотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гўзал шаҳрингиз юраги саналган Регистон майдонида ўнлаб миллат ва элатлар вакиллари билан бир сахнада ўз миллий куй-қўшиқларимизни ижро этганимиздан жуда мамнунимиз. Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов иштирок этиб, қатнашчиларни самимий кутлагани анжуман меҳмонлари ва иштирокчиларини жуда руҳлантириб юборди. Бу Ўзбекистонда санъатни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

"Мускат наволари"ни 1985 йилда моҳир созанда Ишқоқ ал-Харти билан биргаликда ташкил этганмиз. Репертуаримиз аъёнвий фольклор ва миллий оҳангга бой замонавий куйлардан иборат. Гуруҳимиз Уммонда ва хорижда ўтказилган бир қатор йирик санъат анжуманларида қатнашган. "Шарқ тароналари" фестивалида уммон халқининг мумтоз кўшиқларини лут ва уд каби чолғулар жўрлигида тақдим этдик. Ижромимиз санъат илхосмандлари томонидан жуда илқ қабул қилинган бежиз эмас. Ўзбек мусиқаси араб наволари билан оҳангдошидир. Зотан, бизнинг куй-қўшиқларимиз замирида ҳам шарқона оҳанглار мўжассам. Шу боис бир-биримизнинг тароналаримизни ижро этишга иштиёқимиз баланд. Насиб қилса, кейинги фестивалда ҳам иштирок этиб, ўзбек тилида кўшиқ куйламоқчиман.

МУМТОЗ АШУЛА — МИЛЛАТ ФАХРИ

Энг улув, энг азиз байрамимиз арафасида Президентимиз Фармонига кўра "Ўзбекистон Республикаси халқ хофизин" унвони билан тақдирланишим қалбимни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдирди. Бу юксак мукофот Президентимиз ва ҳукуматимизнинг миллий мусиқамизга, мумтоз санъатимизга бўлган катта эътибори ва гамхўрлиги ифодасидир. Миллий мусиқа меросимизга мустақиллик йилларидаги каби ҳурмат-эҳтиром ҳеч қачон кўрсатилмаган эди.



кун давомида ҳам бирорта бўш ўрин қолгани йўқ. Айниқса, ҳамкасбларим, устоз санъаткорларнинг далдаси менга илҳом берди. Концертнинг иккинчи куни устоз Абдуҳшом Исмоилов сахнага чиқиб, гижжаги билан ашуламага жўр бўлгани зални жонлантириб юборди. Шундан сўнг қаторасига беш йил яқка концертларимни мухлисларга тақдим этдим.

Бу ҳам менга бир сабоқ бўлди. Чунки санъаткор ҳар йили мухлисларга дастур тақдим этиши шарт эмас экан. Ўзи шундай вақт келарканки, хонанда репертуарида янги ижод намуналарини кўпайиб, мухлис хузурига ошиқаркан,

Бил оҳзори

Миллий қадриятларимиз, мумтоз мусиқий меросимизнинг дунё миқёсида эътироф этилиб, қадр-қиммат топаётгани қалбимизда гурур ва фахрланиш ҳисларини жўш урдирди. Хусусан, Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Наврўз, катта ашула каби қадриятларимиз ЮНЕСКО қарори билан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида рўйхатга олингани бунинг ёркин далилидир. Бу, шубҳасиз, бизни мусиқий қадриятларимизга яна ҳам жиддий муносабатда бўлишга, уни асраб-авайлаб, авлодларга етказиш ишига муносиб ҳисса қўшишга давъат этади.

Шундай қувончли кезларда ўтган кунларнинг, кўрган-кечирганларнинг кўз ўнгингдан ўтаверар экан. Ўқишни битириб маданият уйида 16 йил ишлаганимда, турли танловларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб юрганимда, тақдиримда шундай юлдузли онлар бўлади, деган ўй хаёлимга келмаганди.

1996 йили пойтахтимизда ўтказилган "Олтин мерос" мумтоз кўшиқлар танловида қатнашимиз хайтимда бурилиш ясади. Танлов ҳайъати аъзолари орасида Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Баҳрулла Лутфуллаев каби таниқли санъаткорлар бор эди. Ушанда қирқта қатнашчидан фақат беш кишининг ашуласи мақомчилар ансамбли иштирокида ёзиб олинган. Танловдан сўнг устозлар менга мақом ансамблида ишлашни таклиф қилишди. Шу тариқа пойтахтда ижодимни давом эттиришга тўғри келди. Ишлаб туриб, Тошкент давлат маданият институтини тугатдим. Ансамблмда Орифхон Хотамов, Абдуҳшом Исмоилов, Бекназар Дўстмуродов, Ўлмас Саиджонов, Маҳмуд Йўлдошев, Маҳмуд Тожиев сингари атоқли санъаткорлардан мумтоз ашулалар куйлашнинг сир-синоатларини ўргандим.

Кези келганда, биринчи устозим, таниқли санъаткор Элмурод Боймуродовнинг ижодий фаолиятимдаги ўрнини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Болалигимдан кўшиқ айтишга қизиққан билан ҳали бу соҳанинг қайси йўналишидан кетишим номалълум эди. Саксонинчи йиллар бошида, маданият уйида ишлаб юрганимда Элмурод ака менга бир қассета берди. Хонанда танбурда "Бозургоний" ва "На қилдим?" ашулаларини жуда бошқача, юракнинг аллақарларига бориб тегадиган қилиб

айтган эди. Бир неча бор эшитсам ҳам қимлигини билолмадим. Устоз бу бетакрор хонанда Расулқори Мамадалиев эканини айтиб, "Шу ашулаларни яхшилаб айтишни ўрганишинг керак", деди. Ҳатто маданият уйининг бир бурчида ётган эски танбурни топиб, тузатиб созлаб олдик. Нохун бўлмагани учун танбурни бармоқларим билан чертиб ўрганишга қилишдим. Қўлим анча келишиб қолганидан сўнг танбурда чалган биринчи куйим "Гиря" бўлди. Шоир Завақий газали билан айтилаётган бу ашулани жуда ёқтирдим. Уйда ҳар куни бўш қолдим дегунча "Гиря"ни чалардим. Бир сафар уйимиз олди-дан ўтиб кетаётган устозим куй овозини эшитгач, мени чақирди. Нохунсиз танбур чертаётганимни кўриб, эртасигаёқ нохун келтириб берди. Бир йилдан сўнг у кишига нохунда танбур чертиб, қуйлаб бердим, ашулам унга маъқул бўлди. Шундан сўнг Расулқори хофизнинг ашулаларини ўргана бошладим, кейин бошқа мумтоз ашулалар, мақомларга ўтдим. Эҳтимол, ижодимнинг дастлабки паллаларида Расулқори хофизга тақдир қилгандирман. Бу ҳам аслида устозга қамоли эҳтиромим белгиси. Аста-секин устозлар кўмагида ўз услубимни топиш йўлида изландим. Меҳнатларим зое кетмаганидан хурсандман.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа меросимизга, мақомларимизга эътибор кучайиши, бу йўналишда кўплаб кўрик-танловлар, тадбирларнинг ўтказилиши ижодимга катта таъсир кўрсатди. Мумтоз наволар, мақом ашулаларидан ташқари, ўттиздан зиёд лирик кўшиқлар айтдим. Улар орасида "Аҳли дуо кексалар" (Пўлат Мўмин), "Бўстонга ярашдим" (Собир Абдулла), "Дам дема" (Аҳмад Яссавий), "Онажоним ҳаёт бўлса" (Бобур Бобомурод) каби кўшиқлар, она-Ватан, меҳр-муҳаббат ҳақида ўттиздан ортиқ лирик тароналар бор.

Кувонарлиси шундаки, мумтоз ашулаларга давлат миқёсида берилаётган эътибор ва гамхўрлик мухлисларга ҳам кўтаринки қафийга тўлиб бахш этди. Ҳозир бу йўналишнинг илхосмандлари тобора кўпайиб бораёпти.

2003 йили Миллий академик театрда илк концертимни берганимда, очиги, юрагимда зал тўлармикан, деган ҳадик бор эди. Шўқрки, икки

ЮРАККА ЯҚИН АСАРЛАР

Бадий академия кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги ва "Обод турмуш йили" га бағишланган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" кўргазмаси очилди. Унда юзга яқин ижодкорнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати йўналишида яратилган икки юз эллиқдан ортиқ ижод намуналари намойиш этилмоқда. Бу асарларда Ватанга муҳаббат, юртимизнинг гўзал табиати, обод ва фаровон шаҳар-қишлоқлар, тарихий обидалар, замондошларимиз портретлари меҳр билан ифода этилган.

Акмал Икромжонов, Файзулла Аҳмадалиев, Ҳикмат Жалилов, Алишер Алиқулов, Дилором Мамедова, Хуршид Зиёнонов, Рустам Бозоров ва бошқа рассомларнинг рангтасвир картиналари, Марат Содиков, Анвар Мамажонов, Вера Нечаева, Хурсаной Иноғомоваларнинг графикадаги ишлари, Азамат Хотамов, Альберт Овсепян, Эргашали Тошбоев каби ҳайкалтарошлар, На-

Кўргазма залларида

зира Кўзиева, Наталя Доманцевич, Холида Тоирова каби амалий

санъат усталари яратган асарлар томошабинлар қалбига завқ бағишлайди. Ёш рассомлар Фаррух Мавлонов, Маргарита Кузьмина, Шерзод Аъзамжоев, Хонзода Гулмирзаева, Гулчеҳра Саидова, Лайло Усмонова ўз асарларини илк бор томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар. Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Унда уста турли йилларда яратган ёғоч устунлар, лавҳлар, панжара ҳамда ҳаёти ва ижоди акс этган фотосуратлар намойиш этилмоқда. Оддий ёғочдан ясалган бу санъат асарларида ислимий ва паргори услубларнинг аниқ ўлчовини, антик давр ва замонавий унсурларнинг ажиб уйғунлигини кўриш мумкин.

С. ҚОСИМОВА, Алексей ПОПОВ олган сурат.

АНОР

Пойтахтимиздаги Камолитдин Бехзод мемориал бoғ-музейида наққошлик ва миниатюра йўналишида ижод қилаётган Жасур Баҳодиров ва Камолитдин Абдуллаевларнинг кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифларнинг эллиқка яқин наққошлик ҳамда миниатюра асарлари ўрин олган. Мазкур кўргазмадаги асарларда асосан "Анор" мавзуси етакчилик қилади. Маълумки, шарқда анор ризқ-рўз, меҳрибонлик, оила, муҳаббат рамзи ҳисобланади. Муаллифлар оддий анор меваларига минг хил сайқал бериб, ранг-баранг манзаралар яратишган. Бу асарлар ўзига хослиги, нозик ишлангани билан томошабинлар меҳрини қозонмоқда.

Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Халқро маданият қарвонсаройида истиклол байрамига бағишланган "Ранглар жилоси" кўргазмаси иш бошлади. Унда Нигора Латипова, Анвар Латипов, Тимур Раҳметов, Татьяна Фадеева, Сарвиноз Қосимова, Саида Сатторова, Светлана Шин каби иқтидорли рассомларнинг рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда. Ушбу картиналарда ҳар бир рассомнинг ўзига хос дунёси акс этган.

Раимиз ВАЛИЕВ

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН МАДХИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови жароғида она юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган янги кўшиқлар яратилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида “Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”

Танлов

Танлов билан ижро этилади-шиори остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов маънавиятининг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини раванк топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгил мулқига айланувчи юксак савияли кўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этди, шоир, бастакор ва хоҳандалар ўртасида ижодий ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилаётир. Танловда

қўшиғи учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раимиз Усмоновга берилди. Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик ижодкорлар – шора Гулистан Аннақилчиёва шеъри, Ажинияз Пахратдинов мусиқаси билан “Нихол” муқофоти совриндори Сарбиназ Аннақуллова ижросидаги “Шундай эркин замонлар” қўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон сўзи, бастакор Жаводбек Қозимов мусиқаси билан яратилган “Сен менинг Ватанимсан” қўшиғи учун Самарқанд давлат университетига берилди.

У.А.

«ШАҲРИХОНСОЙ МАВЖЛАРИ»

“Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шоири остида Андижонда водий ёш ижодкорларининг анъанавий “Шахрихонсой мавжлари” анжумани бўлиб ўтди. Чин маънода адабиёт, маънавият байрамига айланган ушбу тадбир Шахрихоннинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, маърифатпарвар шоир Оразий қабр-мақбарасини, ёдгорлик музейини зиёрат қилишдан бошланди. Оразий ёдгорлиги, шоирнинг қолдирган маънавий мероси ижодкорлар қалбига ўзгача шукҳ бағишлади.

Анжуман “Мингчинор” дам олиш масканида давом этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тадбирни очар экан, шундай деди:

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўламирараси

— Ёш авлод тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши бугунги кунимизнинг энг асосий вазифасидир. Бу йўлда адабиётнинг ўрни, шубҳасиз, бекиёсдир. Истеъдодли ёшларни рўёбга чиқариш учун нафақат марказда, балки вилоятларда ҳам семинарлар, адабий анжуманлар, мушоиралар, шу билан бирга эътибор ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш мумкин ва зифатлардан биридир. Беш йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган “Шахрихонсой мавжлари” анжумани водийнинг ижодкор ёшлари учун адабий мактаб вазифасини ўтамоқда, десак хато бўлмади. Йилдан йилга иштирокчи ёшлар сони ортиб бораётганлиги, улар ташкилотчилар томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётганлиги қувонарлидир. Бу эътибор ёшларга қанот беради, уларни янги ижодий парвозлар сари чорлайди.

Анжуман давомида Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков, Олимжон Холдор, Наби Жалолиддин, Жамолиддин Муслим ва бошқа таниқли ижодкорлар иштирокчиларга маҳорат дарслари ўтди. Ҳар бир ёш ижодкорнинг ижодий ишлари жанрларига кўра таҳлил этилди. Устозлар томонидан эътироф этилган қирқ нафар умидли ёшлар вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир доирасида Мустақиллик мушоираси бўлиб ўтди. Вилоятда яшаб ижод қилаётган уюшма аъзоларига байрам совғалари тақдим этилди.

Хуршида КҮЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
вилоят бўлими раҳбари



Тошкент. Хадра майдонининг янги қиёфаси. Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши, аввало, улкан тарихий меросимизни қайта тиклаш имкониятини бергани билан қимматлидир. Истиклол йилларида мамлакатимизда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш, тарғиб этиш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Бунда, албатта, ижод аҳлининг ҳам хизмати катта. Темурийлар тарихи давлат музейида “Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар сиймосининг ўзбек адабиёти, тасвирий санъати, драматургиясида яратилиши ва музей экспозицияларида намойиш этилиши: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди бу борада амалга оширилган ишлар муҳаққама қилиниб, олданда турган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва бир қатар ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли ёзувчилар, олимлар, санъатнинг турли соҳаларида фаолити ярутувчи йирик ижодкорлар иштирок эттишти.

Давра суҳбати бошланишида пойтахтимиз марказидаги кўркам хиёбонда соҳибқирон Амир Темурнинг улугвор ҳайкали ўрнатилганига шу кунларда роппа-роса 20 йил тўлгани алоҳида таъкидланди. Миллий санъатимизда Амир Темур ва темурийлар сиймосини яратиш борасидаги изланишларга ба-

ғишланган маърузалар тингланди. Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али “Амир Темурнинг илҳомбахш сиймоси” мавзусида маърузасида бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган долзарб масалаларга батафсил тўхталиб ўтди. Жумладан, Амир Темур сиймосини яратишда аниқ далилларга эга бўлмаган фактларга суяниб бўлмаслиги, акмал Саидовнинг “Амир Темур ва Европа” каби қизиқарли мавзударга маърузалари ҳам тингланди. Йилгиланлар, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросида “Соҳибқирон” драмасидан монолוגлар тинглаш имконига эга бўлишти. Тадбир якунида Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий ва бадиий асарлар ҳамда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз.

Зарифа Саидносирова кимёгар олимани, ёки оламни ўзга рангларда кўра олган хос кўнгилли шоираю бахтли мусаввира? Унинг кўнгил дунёси ягона ўзганга сиймайдиган кенг уммонга ўхшайди. Мусаввира бўёқларга кўшиб, юрагидаги сирини ҳам қозғача тўқаркан, унинг бу дунёда топган ҳақиқатларини қалбимиз орқали ҳис

эканмиз, деярли ҳар бир тасвирда умумий уйғунлик, бири-бирини тақрорламайдиган асл туйғулар тажассуми сезилади. Мусаввира санъатида ой тимсоли алоҳида аҳамият касб этади. Деярли ҳар бир тасвирда тўлин ой шўъласидан баҳра ола-

рофни унутганча ўз ўйлари билан банд. Бу сурат томошабинга Ойбек қиёфаси ҳақида ўзига хос ҳулоса бераётгандек. З.Саидносирова бир неча бор Аҳмад Яссавий мавзусига ҳам мурожаат қилиб, Туркистондаги улуг мутасаввуф макбараси кўринишларини олд ва ён томондан чизган. Бу мусаввиранинг илк суратлари эди. Кейинроқ у ўз хотираларида “Аҳмад Яссавий макбараси” асари ўша пайтда кўргазмага қўйилгани, европалик бир сайёҳ сотиб олмоқчи бўлганини ёзган. Лекин отаси илк суратини сотишига ружасат бермай, қизини санъатни қадрлашга ўргатган. Бурган эса кўргазмага келган барча томошабинлар бу суратдан баҳраманд бўлишмоқда.

“МУНЧА ГЎЗАЛ ЕРНИНГ ЧЕХРАСИ”



этамиз. Бир зум шоира ва мусаввиранинг гўзал хаёлларида яшагандек завқ туюмиз. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ойбек уй-музейи ҳамкорлигида ўрол Тансиқбоев уй-музейида Зарифа Саидносированинг “Мунча гўзал Ернинг чеҳраси...” деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Бу ҳассос аёл рассомликда бошқалар каби сермахсул бўлмасда-да, аммо у ўз тасвирларида осмон каби кенг, ой янгли улугвор баҳор гўзаллигини ўзгача тасвирлаб бера олди. Унинг кўргазмага қўйилган асарларини кузатар

миз. Кўннинг фонуси гоҳида шод, гоҳида маънос, баъзан оппоқ булутлар ҳамроҳлигида, баъзан эса қора булутлар қуршовида сузиб юради... Лекин ой ҳаммиса тўлин ва ҳаммиса марғур. Эҳтимол, мусаввира Ой тимсолида бутун умр қалбига мазмун бағишлаган муҳаббатни тасвирламоқчи бўлган. У ҳаёт суронларига бир зум бош эгмаган Ойини — Ойбегини қўйлаб ўтмаганмикан? Кўргазмадаги асарлар орасида ёзувчи Ойбек портрети ҳам бор. Албатта, ёзувчи қиёфаси ҳам Абдулҳақ Абдуллаев, Азиза Маматова каби тасвирий санъат усталари ҳам катта маҳорат билан акс эттиришган. Аммо адабнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносирова чизган суратнинг қиммати бўлак. Ойбек ўриндик ўтирган, хаёлларга гарқ бўлган ҳолда тасвирланган. У бутун ат-

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси фахрийиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ғофир ХАМИДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Соғанинг — боёлининг

КОНДИЦИОНЕР ВА САЛОМАТЛИК

Баъзи кишилар хонада ҳароратни муътадил қилиб берувчи кондиционерларни саломатлик учун зарарли, деб ҳисоблайди. “Афсуски, бундай қараш унчалик тўғри эмас, — дейди профессор И.Чазова. — Негаки, кондиционер қон босими юқори, юрак ишемик ва қанд касалликларидан азият чекувчи кишилар, айниқса, кексаларнинг ҳаво иссиқ ва дим бўлган пайтда ўзини бардам ҳис этишига ёрдам беради”. Бундай ҳулоса инсон организми об-ҳаво ўзгаришлари ва ҳаддан ортиқ иссиқ ҳароратга қандай мослаша олишини аниқлашга доир кўплаб тадқиқотларда ўз исботини топган. Бирок ҳар қандай машина-механизм каби, кондиционерни ҳам тўғри ишлатишни билиш зарур. Аввало, кондиционердаги филтр(сузгич)ни тез-тез алмаштириб ва тозалаб туриш керак. Чунки бактериялар филтр ичида тўпланиб қолади. Сузгич бу бактериялардан холи бўлмаса, тоза ҳаво билан бирга юқумли хасталиклар вируслари ҳам тарқалади. Иккинчидан, ҳаво оқими одамга тўғридан-тўғри йўналмагани маъқул. Учинчидан эса, иссиқ ҳароратли кунларда ташқаридаги ҳаво ҳарорати билан ичкаридаги ҳаво ҳароратининг фарқи 10 даражадан ошмаслиги лозим. Масалан, ташқарида ҳавонинг ҳарорати 35 даража иссиқ бўлса, кондиционерни 25 даражага қўйиш мумкин.

Баъзилар ҳаво иссиқ кунларда парракли вентиляторлардан фойдаланишади. Бунда, агар ҳарорат иссиқ бўлса, паррақлар иссиқ ҳавони аэроғилга ўхшаб ҳайдаб беради. Ҳаддан ташқари иссиқ ҳаво ҳаракати киши кайфияти ва ҳолатини ёмонлаштиради. Иссиқ кунларда танани сиқмайдиган, носинтетик матоли кенг кийим кийиш мақсадга мувофиқ. Қахва, ширин ичимликлар, шў жумладан, шакарли газсуда ва қвас кўп суюқлик йўқолишига сабаб бўлади. Яхши, иссиқ кунларда сув, кўк чой ёки қора чой ичиб юрган маъқул.

Суяклар мустаҳкам бўлсин, десангиз...
Суяклар мустаҳкам бўлиши учун сут-калий махсулотларини кўп истеъмол қилиш кераклигини яхши биламиз. Тиббиёт фанлари доктори С.Родионовнинг фикрича, суякларни қарилек даврига қадар ҳам мустаҳкам ва эгилувчан ҳолатда сақлаш учун ҳар кун сут ичишдан ташқари, чучук қатик, йогурт, творог, пишлоқ (унинг қаттиқ турларида эритилганига нисбатан кальций миқдори деярли икки баробар кўп) истеъмол қилиш керак. Кальций сельдери, япроқли салат каби қўқатларда ҳам кўп. Туршак, бодом, кунжут ҳам суякларни мустаҳкамлайди. Кальций, айниқса, қўқанган балиқда кўп: 100 грамм шундай балиқ таркибиде 3 грамм кальций бор.

Тишларимиз мустаҳкамлигини сақлаш учун эса, булардан ташқари суяк тўқималари ҳосил бўлишида фаол иштирок этувчи фосфор ва мағнийга бой неъматларни ҳам кўпроқ истеъмол қилган маъқул. Таомларингизда кўпроқ дуққалик неъматлар, қалла-поча, ичак-чаюк, ёнқоқлар, pista бўлсин. Фосфор ва мағний минераллари бодрич, қарам, майиз, қора олхўри ва унинг қоқисиде ҳам кўп. Марганец эса қисқоронинг қон таркибидан суяк тўқималарига ўтишига ёрдам беради. Жигар, буйрак, парранда гўшти, бананлар марганецга бой. Суяклар мустаҳкам бўлишида кальций ва фосфор алмашинувини тартибга солишчи D дармондорисининг ўрни катта. У организмда ультрабунафа ша нурлар таъсирида ишлаб чиқилади. Бу дармондори ҳосил бўлиши учун кўшли кунларда соя-салқин боғда 2-3 соат сайр қилиш керак. Жисмоний машқлар одам скелети шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши аллақачон ўз исботини топган. Мушакларнинг фаол бўлиши суякларни тез ўсаятган болалар ва ўсмирлар учунгина эмас, ёши катта ва кексалар учун ҳам жуда зарур. Гимнастик машқлар, сузиш, кунига 1-1,5 соат муттасил пиёда сайр суяклар мустаҳкамлигининг асосий омилдир.

Олманинг етти хил фойдали

Манбаларда келтирилишича, дунёда олманинг етти миляга яқин нави мавжуд. Бизнинг юртимизда эса юздан зиёд олма навлари ўстирилади. Пархезашнос Н.Суслинанинг ёзишича, олмани саломатликка эиён етказмайдиган даражада истеъмол қилиш — меъридини сақлаш унинг таркибидеги углеводлар миқдорига қараб аниқланар экан. — Қизил олмага қараганда кўм-кўк олманинг калорияси бироз кам, — деб таъкидлайди эксперт. — Агар олманни камайитирмоқчи ёки қанд хасталигидан ҳимояланмоқчи бўлсангиз, кўк олма, яъни нордон-шин олмаларни истеъмол қилган маъқул. — Умуманхоҳ соғлиқни сақлаш ташкилотли тавсиясига кўра, кунига 700-800 грамм ҳар хил сабзавот ва мевалар истеъмол қилиш керак. Олмалар фарқлиғи мавсумида эса уларни олмага алмаштирача ҳам бўлади. Фақат бунда эркаклар олмани 700 г. аёллар эса 500 г.дан ошirmаслиги керак. Шунинг билан олмингиз, олма таркибиде меъда шираси ҳосил бўлишига таъсир қиладиган кислота мавжуд. Шу боис олмани одатда тушликдан аввал истеъмол қилган яхши. Бу иштаҳани очади, олма таркибидеги клетчатка (биркиртрувчи тўқималар) эса, меъдани тинчтиради, натижада тушликда ҳаддан зиёд оқват еб қўймайсиз. Олма таркибиде С дармондориси ва фойдали пектин ҳам мавжуд. — Олма уруғида кўп миқдорда йод бор. Шунинг учун кунига 2-3 дона олмани уруғлари билан истеъмол қилиш фойдали. Бу билан бир кеча-кундузлик йодга бўлган эҳтиёж таъминланмасда-да барибир, у фойдали. Иккинчидан, яхши пишмаган олма уруғида захарли синил кислотаси бор. Бир неча килограмм шундай олма уруғи билан истеъмол қилинсагина у зарарли таъсирга эга бўлади. — Айримлар оддий олмага қараганда кўрда пиширилган калорияли, деб ҳисоблайди. Агар пишириш чоғида олмага асал, шакар, творог қўшилмаса, унинг калорияси оддий олманники билан бир хил бўлади. Агар қишга гамлаш учун олмаларни қуритиб олсангиз 100 г.дан 20 г. олма қоқи чиқади. Уларнинг калорияси эса бир хил. Бирок олма қоқини чоқнакка қайноқ сув солиб дамласангиз, яхши олмани чой бўлади. Бундай дамлама тинчлантирувчи хусусиятга ҳам эга. Кўрда пиширилган олмада эса, меъда шираси ажралишига таъсир кўрсатадиган кислоталар кам. — Олмани кўп истеъмол қилиш қонни қўпайтиради, деган хато қараш ҳам мавжуд. Олма таркибиде темир миқдори шу даражада озки, амалда организм уни ўзлаштиролмади. Гемоглобин озаганда қизил гўшт, жигар, тухум истеъмол қилиш ёрдам беради. Бирок олмада дармондорилар, ичакдаги захарли моддаларни зарарсизлантирувчи клетчатка кўп. — Олманинг ҳар қандай нави таркибиде 80 фоизга қадар сув мавжуд. Бирок куз ва қишга бориб пишадиган кўк олмаларда сув бироз кам бўлади. Шунинг учун айнан мана шундай навларни қуритиш учун танлаган маъқул. Ёзда пишадиган қизил олмалар ширин ва шираллиги боис уларни янгилигида истеъмол қилган афзалдир. Кўк олмалар қишга гамлаб қўйилса, микроэлементлари яхши сақланади. — Ошқозон яраси, ич қотиш, эрозия, жароҳат каби таом ҳазми билан боғлиқ хасталиклар хуруж қилган пайтларда олма кўп истеъмол этилса, оғриқ пайдо қилиши, хасталикни ривожлантириб юбориши мумкин. Чунки олмада, айниқса, унинг пўстлогиде дағал клетчатка кўп. — Олмани бошқа сабзавот ва мевалардан алоҳида сақлаган маъқул. Куз ва қишга келиб пишадиган антоновка, семирленко навли олмалар, яъни кўм-кўк ва қаттиқ, нордон-шин олмалар узоқ вақт сақланади. Бунда салқин ва қоронғи жойлар қўл келади.

Интернет хабарларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАБУТОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз:
uzas@mc.s.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Баш муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаховаси.
Босмаховаси манзили: Ёзувчи уюшмаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 03.08

Махрирнинг келган кўзёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрирнинг қўлтиги назаридан фарқланши мумкин.

Масъул котиб — **Асрор СУЛАЙМОНОВ**
Навбатчи муҳаррир — **Санжар ТУРСУНОВ**
Саҳифаловчи — **Элёр МАҲМУДОВ**

ЖУМА КУНАЛРИ
ЧИҚАДИ.

СОҒУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000